

# **9 декабръ - Коррупсияга қарши курашиш халқаро куни.**



9 декабръ - Коррупсияга қарши курашиш халқаро куни.

Кейинги йилларда давлат ва жамиятнинг ривожига, халқнинг адолатга бўлган ишончига жиддий путур етказадиган хавф – коррупсия хавфининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасидаги ишлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мазкур ишларни мантиқий давоми сифатида туман ҳокимлиги мажлислар залида Халқ депутатлари туман Кенгаши раиси, Коррупсияга қарши курашиш комиссияси раиси Ш.Ражабов ва комиссия аъзолари иштирокида “Коррупсиясиз соҳани яратайлик” мавзусида учрашув ўтказилди.

Учрашувда тумандаги фаолларга юртимизда коррупсияга қарши курашиш масаласида кўплаб қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорлари, Президент Фармонларининг мазмун-моҳияти тушунтирилиб, коррупсияга қарши куришишда аввало халқимиз маданиятини ошириш ва уларнинг онгидаги муросасизлик муносабатини шакллантириш борасида ишлар ташкил этиш, бу борадаги вазифалар ҳақида йиғилиш иштирокчиларига тегишли кўрсатмалар берилди.